

Давлат ветеринария бош
бошқармасининг 2017 йил
18 майдаги 25-4-сонли
буйруғига 6-илова

Фаолиятга доир ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш РЕГЛАМЕНТИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат ветеринария бош бошқармаси ва унинг тизим ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, матбуот анжуманлари ва брифингларда ваколатли мансабдор шахсларнинг интервью ва баёноتلари орқали эълон қилиш тартибини белгилайди.

2. Бош бошқарманинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

3. Бош бошқарма фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим бўлган ахборот, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг чиқиши ва баёноتلари тўғрисидаги маълумот, матбуот хабарномаси Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати (ёки ваколат берилган шахс) томонидан давлат тилида (заруратга кўра бошқа тилларда) тайёрланади ва раҳбарият томонидан тасдиқлангач, чоп этиш учун оммавий ахборот воситаларига тарқатилади.

II. Давлат ветеринария бош бошқармасининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари ва уларни эълон қилишнинг асосий принциплари

4. Бош бошқарманинг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

- Бош бошқарманинг ваколатли мансабдор шахсининг чиқиши ва баёноти;

- Бош бошқарманинг ваколатли мансабдор шахси, Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати ёки бошқа ваколатли таркибий бўлинмаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани ва брифинглар;

- расмий веб-сайт;

- оммавий ахборот воситалари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Бош бошқарма томонидан аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг қабул қилинаётган буйруқлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлари ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминланиши қуйидаги асосий принципларга асосланиши лозим:

- инсон ҳуқуқининг устуворлиги – фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- қонунийлик – ахборот олиш ва ахборот тарқатиш борасида ахборот маконининг барча субъектларининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш;
- очиклик – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорларини ўз вақтида тезкор ва очик ошкор этиш;
- ишончлилиқ – жамоатчиликка тақдим этилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаш.

III. Давлат ветеринария бош бошқармасининг фаолиятининг очиклиги ҳамда ошкоралигини таъминлашга доир вазифалар

6. Бош бошқарма фаолиятига доир Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати томонидан оммавий ахборот воситалари учун тайёрланган материаллар раҳбарият томонидан тасдиқлангач, бош бошқарма муассислигидаги расмий нашрларда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Бош бошқарманинг оммавий ахборот воситалари билан тизимли ва самарали алоқаларини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш учун оммавий ахборот воситаси номи, оммавий ахборот воситаси вакилининг исми, отасининг исми, фамилияси ва эгаллаб турган вазифаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш кифоя қилади.

8. Бош бошқарманинг ваколатли мансабдор шахсининг чиқиши ва баёноти ҳамда улар томонидан ўтказиладиган матбуот анжуманлари ва брифинглар тўғрисидаги маълумотлар тегишли тадбир ўтказиладиган санадан камида 1 кун аввал оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилинади.

9. Бош бошқарма оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказиладиган тадбирларда қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари шарт:

- журналистни тадбирга оид барча зарур маълумотлар ва махсус пресс-релиз билан таъминлаш;
- малакали мутахассисларни интервью беришга тайёрлаш, интервью берувчиларни танлаш, уларнинг кийиниш ва нутқ маданиятига риоя қилишларида журналистга кўмаклашиш;
- телеоператор ва радиорепортёрнинг телевидение ва радионинг техник талабларига мувофиқ ишлашлари учун етарли шароитни яратиб бериш.

10. Бош бошқарма ваколатли шахси оммавий ахборот воситалари тайёрлаган материалларини такомиллаштириш мақсадида улар эълон қилинишидан аввал тегишли кўшимчалар, ўзгаришлар киритиши мумкин.

11. Бош бошқарма тизимида рўй берган сўнгги ўзгариш ва янгиликларнинг эълон қилиниши мазкур идоралар муассислигидаги босма ҳамда бошқа шаклдаги оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Материални оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш куни келишиб олинishi мумкин.

IV. Давлат ветеринария бош бошқармаси фаолиятига доир маълумотларни олишга қаратилган тартиб-қоидалар

12. Оммавий ахборот воситалари томонидан вазирлик фаолиятига доир маълумотларни олиш, уларнинг ёзма мурожаатига кўра амалга оширилади. Бунда мазкур маълумотлар Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати ва Бош бошқарманинг тегишли бўлими билан ҳамкорлигида тайёрланади ҳамда раҳбарият тасдиғидан ўтказилади.

13. Умумлаштирилган маълумотлар таркибига – асос сифатида соҳага доир Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, улар асосида ишлаб чиқилган қарорлар, сўралган ахборот (амалга оширилган ишлар ҳақидаги сўнгги статистик далиллар) киритилади ҳамда унда материалнинг ишончилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида маълумот берувчининг тўлиқ исм-шарифи ва лавозими кўрсатилади.

V. Давлат ветеринария бош бошқармасининг ҳуқуқлари

14. Бош бошқарма фаолияти ёритилишида ноҳолис, исботланмаган маълумотлар тарқатилишини олдини олиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати ёки тайинланган ваколатли шахс материални уни бирор турдаги оммавий ахборот воситасида эълон қилинишидан олдин ўқиб чиқиш ва унинг янада ишончилиги, холислигини таъминлаш мақсадида унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

VI. Яқунловчи қоидалар

15. Бош бошқарма фаолияти билан боғлиқ материаллар давлат, тижорат ёки қонун билан ҳимояланувчи ахборотлар тоифасига кирмаслиги шарт.

16. Бош бошқарма фаолияти билан боғлиқ материални оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишда юзага келган масалалар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Бош бошқарманинг ваколатли шахси ҳамда Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати раҳбари оммавий ахборот воситалари тайёрлаган материалларининг аниқлиги ва холислиги учун шахсан жавоб беради.